



ХАВАР

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSİYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 5 yanvar, juma № 1 (434)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди.

«Агентлик таркибидаги кирувчи акциядорлик компания, корхона ва ташкилотларда 2000 йил иш якунлари буйича ижро интизоми тўғрисида» агентлик ишлар бошқармаси бош мутахассиси Ф. Марасулов маъруза қилди. Маърузачи бу борада ил бошидан шу пайтгача агентлик аппаратида, акциядорлик компанияларида, корхона ва ташкилотларда иш юритишнинг олиб борилиши, ижро интизоми ва фуқаролар мурожаатлари юзасидан ижобий ўзгаришлар бўлишига қарамадан айрим жойларда ҳужжатларни кечиктириб бажариш ҳамон давом этаётганлигини, баъзи корхоналар айли билан шикоятлар 1999 йилга нисбатан кўпайганлигини айтиб ўтди.

«Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида 2000 йили илмий-тадқиқот ишлари ва меъёрий ҳужжатлар

тайёрлашнинг бориши ва 2001 йилги режалар тўғрисида» марказ директори Р. Исаевнинг маърузаси тингланди. Маърузачи ўтган йили почта ва телекоммуникациялар соҳасида қонун лойиҳалари ва меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш режасига мувофиқ 41 та меъёрий ҳужжат, шу жумладан битта қонун лойиҳаси тайёрлаш кузда тутилганини, ҳозирги кунга қадар курсатилган меъёрий ҳужжатлар тасдиқлаш учун топширилганини, бундан ташқари 2000 йили қўшимча 38 та меъёрий ҳужжат, туқизта мавзу буйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилгани ва 2001 йилдаги режалар хусусида сўз юритди. «Почта алоқаси ва вақтли матбуот соҳаларида меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда мониторингнинг бориши тўғрисида» агентлик почта алоқаси бўлими бошлиғи М. Аъзамқулова маълумот берди.

Хайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. АХМЕДОВ

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИГА НЕ ЕТСИН

Янги йил байрами агентликнинг барча корхона ва ташкилотларида зўр шоду хуррамлик билан кўтиб олинди. Ана шундай шодоналаридан бири «Тошкент Телеком» АЖ Тўйтепа филиалида бўлиб ўтди.

Тўйтепа ва Пискент филиали алоқачиларининг фарзандлари арча атрофида Қорбобо, Қорқиз ҳамда эртақ қаҳрамонлари ҳузурда шەър, кўшиқлар айтишди.

Сахий Қорбобо болажонларга совғалар улашди. Байрамнинг бундай кутаринки руҳда ўтказилиши болажонларга катта завқ бағишлади.

В. ТОҶИБОВА,
Тошкент вилояти

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЎҚИТИШ

Интернет ёрдамида талабаларни узоқ масофадан туриб ўқитиш зарурати туғилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқитувчилар танлаш ва уларни ўқитишга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқди.

Мазкур лойиҳа асосида таъриблик ўқитувчилар малакасини ошириш ҳам кузда тутилган. Бундай таълим бериш

жараёнлари Тошкентдаги 6 та олий ўқув юртида амалга оширилади. Тошкент электротехника алоқа институти эса ушбу институтлар орасида етакчиси ҳисобланади.

Институт таъриба-намуна ишида қатнашувчи муассасалар билан шартномалар тузди.

А. АЛИЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГИЛИКЛАР ● ХАВАРЛАР ● ВОҚЕАЛАР

● Рамазон хайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатларнинг раҳбарларидан самимий дил сўзлари битилган кутловлар келмоқда.

● Республикамызда нашрлар сони яна биттага кўпайди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг нашри «Фуқаро муҳофазаси» – «Гражданская защита» журналининг ilk сони узбек ва рус тилларида босмадан чиқди.

● Иркутскда Россия ва Ҳиндистон ўртасида тарихда энг йирик ҳисобланган ҳарбий-техникавий битим имзоланди.

● Молдова Президенти М. Лучинский январ ойида парламентни тарқатиб юборишини ва 25 февралда эса янги парламент сайловлари мuddатини эълон қилажаклигини баён этди.

● Хитой ҳукумати Тайвань билан тўғридан-тўғри транспорт ва савдо алоқасини тиклашга рози эканлигини билдирди.

Мобил ва шахсий қақурув телекоммуникация техника воситаларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш тараққиётни белгилловчи йўналишлардан бири бўлиб, ахборотлашган муҳитни яратишда зарур замин сифатида хизмат қилади.

Маълумки, Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) 1991 йилдан бошлаб универсал, яъни ҳар томонлама умумлашган, ҳозирги вақтда IМТ-2000 деб аталадиган учинчи авлод алоқа мобил тизимини яратиш бора-бора кенг қуламода иш олиб бо-

лўддики, дунёнинг турли ҳудудларидаги товар-маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг талаб-эҳтиёжларида узаро жиддий тафовутлар пайдо бўларкан. Мазкур тафовутларни умумлаштириш ёки бир-бирига мослаштириш амалий жиҳатдан мумкин эмаслиги аниқ ва равшан бўлиб қолди.

Ҳаракатдаги алоқанинг иккинчи авлодига мансуб бўлган асосий тармоқларни учинчи авлодга ўтказиш буйича қилинаётган ишлар IМТ-2000 тизимини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиляпти.

ни берди. Тизим техникасини янада ривожлантириш юқори даражада такомиллаштирилган технология асосида амалга оширилади. Бу – маълумотлар узатишнинг дастлабки тезлиги 9,6 Кбит/с дан 114 Кбит/с ва ундан 384 Кбит/с тезликка ўтиши имкониятини яратди. Бундай ҳолатда UМТS технологияси тақдим этиладиган хизматларнинг керакли ҳажмини оммабоп нархларда таъминлаш ва қулай терминалларнинг кенг рўйхатидан фойдаланиши лозим.

Бозор тадқиқотлари шуни

МОБИЛ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯСИНИНГ УЧИНЧИ АВЛОДИ

рпапти. IМТ-2000 концепцияси 1992 йилда бўлган Умумжаҳон радиоконференцияси томонидан маъқулланган ва бу мақсадлар учун 1885... 2025 Мгц ҳамда 2110... 2200 Мгц оралиқлардаги радиочастоталар бириктирилганлиги қайд этилган эди. Мазкур тизимнинг йўлдошли алоқа қисмига эса 1980... 2010 Мгц ва 2170... 2200 Мгц радиочастота кенгликлари бириктирилди.

IМТ-2000 концепциясининг асосий тамойиллари сифатида дунё миқёсида роуминг, ер усти ва йўлдошли алоқа бўлиши, хизмат идоралари билан биргаликда рақамли тармоқлардан ҳар томонлама фойдалана олиши, ихчамлик имкониятида мультимедиа хизматлари тулик тўплами мавжудлиги кабилар киритилди. Тавсияномани ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор ва талаб – ҳаракатдаги алоқанинг мавжуд рақамли тизимларини ривожлантириладиган иккинчи авлод тизимини яратиш учун сарфланган ҳаражатлар даражасидан ошмаган ҳолда, бозорнинг ушиб келадиган ҳар томонлама истиқболли эҳтиёжларини қондира оладиган инфратузилмага қўшиш мақсадида IМТ-2000 интерфейсларининг барча курсаткичларини юқори даражада такомиллаштиришга қаратилди. Бу вазият GSM, DCS 1800, DECT, ERMES, TETRA, шунигдек D-AMPS, CDMA ва NMT-450 каби стандартларга бевосита тааллуқли бўлди, чунки булардан маълум шарт-шароитларда учинчи авлод алоқа тармоқлари хизматларини тақдим этиш учун фойдаланиш имконияти яратилиши мумкин.

IМТ-2000 тизими стандартларини яратиш устида олиб бориладиган ишларнинг курсатпаптики, ишнинг умумий тавсияномалар тайёрлаш билан боғлиқ қисми муваффақиятли бажарилди. Иккинчи авлод алоқа тармоқларини учинчи авлод тармоқларига айлантириш йўлидаги ҳаракатлардан шу нарса маълум

1994 йили Европа Иттифоқи такомиллашган телекоммуникация ва хизматлар технологиясини яратиш буйича тадқиқотлар дастури ACTS ни тасдиқлади. Мазкур дастур буйича мулжалланган тадбирлар 1998 йили тулик бажарилди. ACTS дастури алоқанинг универсал мобил тизими – (UMTS) ни яратишдаги асосий тамойилларини ишлаб чиқишга мулжалланган эди. UМТS тижорат тармоқларини қўриш буйича бажариладиган ишлари бошқарилиш учун 1996 йили UМТS FORUM халқаро ташкилот тузилди. FORUM – келажакда тасвирли, чизмали, видео ва бошқа кенг мақсаддаги ахборотлар узатувини таъминлаш, UМТS технологиясини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш буйича биргаликда сўбас олиб боровчилар – техника воситалари ишлаб чиқарувчилар ва мобил алоқа операторларининг умумий уюшмасидир. Уюшма бир вақтнинг узида узаро мувофиқлаштирувчи идора сифатида ҳам фаолият қурсатади.

UМТS технология сифатида ахборот алмасуви оламининг бир булаги ҳисобланиб, тақдим этиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва уларни XXI аср бошида амалда қўлашда бир қадам олға силжизини ифодалайди.

IМТ-2000 ХЭИ томонидан ер усти ҳамда йўлдошли алоқани уз ичига оладиган ҳаракатдаги улкан сизимли телекоммуникациялар тизими деб таърифланади. Телекоммуникацияларни стандартлаштириш Европа институти (ETSI) бозорнинг истиқболли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, IМТ-2000 тизими учун мулжалланган стандартлар ишлаб чиқди. UМТS – бозор эҳтиёжларини мобил алоқада қондирадиган мажмуанинг муҳим ва ажралмас бир қисмидир. Маълумки, ETSI томонидан 1998 йили MoU шаклида мужассамланган GSM мажмуасига мос бўлган янги радиоинтерфейс (UTRA деб аталади) танланган эди. UМТS технологиясининг ўтган йилда қўлланилиши 2Мбит/с тезликда маълумотларни узатиш имконияти-

курсатадики, телефон мулоқоти GSM стандартидан фойдаланилган ҳолда ўрнатилган ва ҳаракатдаги тармоқлар учун 2005 йилгача UМТS нинг асосий хизмат тури бўлиб қолиши мумкин. Шу билан бирга, узоқ мuddатта қилинган ҳисоблар шундан далолат бераптики, 2005 йилларга келиб, мультимедиа сўзлашув хизматлари билан видеотелефон хизматлари га эҳтиёж анча кучаяди. UМТS технологиясининг такомиллашуви билан маълумотлар узатишда анча юқори тезликлар – 155 Мбит/с атрофидаги тезликлар тақозо этилади.

UМТS технологиясида маълумотларни тўплами узатиш тамойили асос сифатида қўлланилади ҳамда бу тармоқни айланма боғланиши ва ҳисоблашларга ўтказишда, каналларнинг носимметрик ўтказиш қобилиятини яхшилашга қатор афзалликлар олиб келиши мумкин.

Ер усти ва йўлдошли алоқа турларини уз ичига олган UМТS технологияси йирик тизим сифатида таркибий элементлар ишловида ҳар томонлама шакллантирилади. Шунинг учун ҳам тизим терминаллари GSM/DCS стандартлари мажмуаси билан ишловчи кўп қиррали деб қаралади. Кўрсатиладиган хизмат қийматларини мос гуруҳларга ажратishi мақсадида терминаллар радиолоқа каналининг турли ахборот сизимига мослашиши имкониятига эга бўлади. Шунинг ҳисобга олганда, Internet тизимидан бугунги фойдаланувчилар мультимедиа хизмати га талабдор бўлиб, биринчилар қаторида UМТS мижозлари бўлишлари ҳам мумкин.

Р. ИСАЕВ,
Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори,
техника фанлари номзоди

(Давоми келгуси сонда.)

ТАРАКҚИЁТ ТАҚОЗОСИ

Сўнги йилларда узоғимизни яқин қилувчи телефоннинг энг замонавий ва қулай усуллари турмушга тадбиқ этилмоқда. Ватанимизда ҳам ушбу хизмат турини жаҳон андозалари даражасига етказиш сари жиддий ҳаракатлар бўлмоқда. «Сурхондарё Телеком» шўба корхонаси фаолиятида ҳам ана шундай туб ўзгаришлар рўй бераётганлиги қувонарлиқ ҳол. Дарҳақиқат, воҳа аҳолисига хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида алоқа воситасидан фойдаланиш учун қулайликлар яратилаяпти.

Бугунги кунга келиб вилоятнинг алоқа хизматига талаб ва эҳтиёж кучли бўлган жойларига замонавий дастгоҳлар урнатилиб, хизмат курсатилаяпти. Мамлакатимизнинг чекка бир улқасида истиқомат қилувчилар ҳам эндиликда дунё билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Вилоятдаги аҳоли зич яшайдиган Денов шаҳрида рақамли телефон станцияси ишга туширилгач, тармоқда янги шимолӣ халқа вуҷудга келди. Айни пайт бу халқага бешта туман марказларидаги АТСлар уланмоқда ва уларни оптик толали кабел билан жиҳозлаш ишлари лойиҳалаштирилди. Режага мувофиқ 140 километр алоқа йўли ўтказилиши керак.

Бундан ташқари Денов шаҳрининг «Гулистон» даҳасида 2000 рақамга мулжалланган АТС тулиқ ишга туширилди. Марказий АТСга иккита замонавий алоқа дастгоҳи монтаж қилинди. Ушбу линия бўйича 600 жуфт магистрал кабел ва яна 300 жуфт тарқатиш линияси тортилди. Ҳозир унда 800 нафардан ортиқ мижозга хизмат курсатилмоқда. Шунингдек, линия хужалигини кенгайтириш ишлари ҳам давом эттириляпти.

Шеробод туманида эса АТСни 500 рақамга кенгайтиришга эришилди. Бевосита «Алоқинвест» АЖ билан тузилган шартнома бўйича 450 рақамга мулжалланган магистрал ва тарқатиш линияси қуриб битказилди ва телефон урнатиш ишлари олиб борилмоқда.

ТЕЛЕФОН ЙЎЛИ ТИКЛАНДИ

Бойсун туманининг тоғли ҳудудда жойлашган Дуоба қишлоғи электр энергияси ва радио нуқталари билан таъминланган. Тоғлик аҳоли телефон хизматидан ҳам баҳраманд этилган эди. Бироқ табиий офат — кучки алоқа йўлини ишдан чиқарди. Кучки устидан тортилган сим ҳам фойда бермади. Шу тарзда дуобалик мижозлар бир неча йил телефонсиз қолишди. Чунки алоқа линиясини қуриш тоғ шароитида мушкул иш, муҳими — бунинг учун катта миқдордаги маблағ зарур эди.

Бу муаммо ниҳоят утган йили баҳорда уз ечимини топди. Кучки тагида қолган линияни бошқа жой-

дан тортиш бўйича лойиҳа-смета хужжатлари тайёрланди. Уни амалга ошириш учун «Сурхондарё Телеком» шўба корхонасининг энг малакали муҳандис-техник ходимларидан 18 нафари сафарбар этилди. Ута қийин шароитда 24 километр масофага телефон сими тортилди. Жами 280 та симёғоч урнатилди. Тоғу тошли ерда чуқур қазиш нақадар заҳматли бўлса, уни урнатиш унданда мураккаброқ эди.

Хуллас, кўпдан кўен қочиб қутулолмас деганларидек, мутахассисларнинг тинимсиз меҳнати кузлаган натижани таъминлади. Бу уринда Нормурод Кенжаев, Жумакул Бобоқуловларнинг номи эслаб ўтишимиз уринли бўлса керак. Ҳозирги кунда Бойсун—Дуоба

оралигида СП-3 аппаратураси монтаж қилиниб, уч каналга икки томонлама алоқа йўлга қуйилди. Тоғли Қургонча-

ва Дуоба қишлоқларига хизмат қилаётган 100 рақамга мулжалланган станция яна ишга туширилди.

«Сурхондарё Телеком» шўба корхонасида «Глобал» ва «Локаль» тармоқларини ташкил этиш бўйича замонавий компьютерлар урнатилди. Бу бўлимлар ва филиалларни модем алоқаси орқали боғлаш ҳамда ЎзМА мультимедиа компьютер тизими ёрдамида олиш имконини берди.

кил этиш имконини беради. Унинг бошқарув базиси Термиз шаҳридаги шаҳарлараро телефон станциясига урнатилади. Шунингдек, 200 рақамга мулжалланган қабул қилувчи ва узатувчи қурилмаларини Жарқурғондаги «Сопка» радиотелевизион узатиш станциясига, 150 та рақамини эса корхо-

«ХУАВЭЙ» БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Бундан ташқари филиаллардаги сузлашув масканларида аҳолига қулайлик яратиш бўйича танлов ўтказилди. Танловда Узун, Жарқурғон, Сароисие ва Қизирӣқ филиалларининг ходимлари фахрли уринларни эгаллашди.

Энг муҳими, «Сурхондарё Телеком» шўба корхонаси хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда чет эл инвестицияси ҳисобига хизматнинг янги, истиқболли турларини кенг жорий этишга катта эътибор бермоқда. Хусусан, қишлоқ АТСларини автоматик чиқишлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор режалар муваффақиятли уддаланди. Жами 29 та АТСларга замонавий ускуналар урнатилиб, мижозларга етарли шароит яратилмоқда.

Кейинги йилларда Хорватия, Индонезия, Япония ва Қирғизистон мамлакатлари билан тузилган шартномалар узининг ижобий самараларини берди. Утган йилнинг август ойида эса Хитой Халқ Республикасининг «Хуавэй» компанияси билан 245 миң АҚШ доллари миқдоридида шартнома тузилди. Корхона бош директори Шавкат Ёқубов иштирокида имзоланган бу битимга кура зарур алоқа ускуналари Хитойдан келтирилди.

«ЕТС-450» станцияси вилоятнинг тоғли ҳудудларидан бошқа барча жойда кабелсиз телефон алоқасини таш-

нанинг Денов филиали биносига урнатиш учун монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Бу симсиз телефон алоқаси орқали шаҳарлараро ва халқаро алоқаларга чиқиш имконияти яратилди. Яна бир қулайлиги шундаки, телефон аппарати урнига факс ва компьютер, модем улаш имконияти ҳам мавжуд.

Хуллас, аҳолига хизмат курсатиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Аммо алоқа ходимларининг ҳам узига яраша муаммолари бор, шулардан бири — транспорт воситасидир. Алоқачи учун лоқал велосипед бўлса, телефон йўлида пайдо бўладиган нуқсонлар уз вақтида тузатилади. Бу беминнат ва ортиқча ташвишсиз транспорт воситаси — велосипедга ҳар бир монтер эга бўлса, уларнинг эл хизматини бахариши анча осон кучади. Бу таклиф инобатга олинадиган умиддамиз.

Н. ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти,
жамоатчи мухбиримиз

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН ЮРТ КОРИГА ЯРАЙДИ

Сиз газета ва журналлар ўқишга вақт топасизми? Базан хизмат тақозоси билан обуна мавсуми бошланганда муштарийларга шундай савол беришга тўғри келиб қолади. Аслида доимий мутолаа қилиб турадиган кишининг тафаккури қамровлироқ бўлади. Шу боис ўқимаса туролмайдиган инсонлар билан суҳбатлашсангиз зериқмайсиз. Улар бир имконият топиб, обуна бўлибми ёки кутубхоналарга қатнаб бўлса ҳам даврий матбуотдан, яъни дунёдан хабардор бўлиб туришадди. Шу тоифа кишилар замон билан ҳамнафас яшайди. Лекин... бефарқ, дунёни сув босса тупиғига чиқмайдиганларни қуриб ҳайратланасан киши. Яқинда йирик бир корхонанинг бош ҳисобчиси билан суҳбатлашиб қолдим. Ундан:

— Сиз газета ва журналларни ўқиб борасизми? — деб сурадим.

— Тўғриси айтсам, ўқишга вақт ажратмайман. Ҳамма янгиликни «Ахборот» ёки «Давр» курсатувларидан қилиб олаверамиз. Арзимас нарсалар учун ҳам вақтни зое кеткизиш шартми? — деди у тап тортмай.

— Мана сизга замонавий, олий маълумотли зивелининг мушоҳадаси.

Кунларнинг бирида узига меъёридан ортиқ оро бериб, тилло тақинчоқлар билан безанган, сўқсурдайгина аёл тахриратимизга кириб, саломалик қилгач:

— Опа газеталарингизда «Хукм» деган мақола чиққан экан. Хуққда ўқийдиган синг-

лимга керак эди. Мабодро топиб беролмайсизми? Кейин қайтариб олиб келардим, — деди.

— Кечирасиз синглим, агар газетамга обуна бўлганингизда эди, сизда бу ташвиш умуман бўлмас эди.

— Газеталаринг қимматку, сотувда эса умуман йўқ эмиш? Хайрон бўлдим, уйланиб қолдим. «Синглингизнинг ҳам куша-куша тилло тақинчоқлари бордир?». Фақат сизлар маънавиятга пул сарфлашни истамайсизлар, холос...

Халқимизда «қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деган ажойиб нақл бор. Ачинарлиси, орамизда ҳамма нарсани моддий бойликлар билангина улчайдиган одамлар ҳам бор. Аммо беш қўл барона эмас. Бу йил вилоятдаги жуда кўп корхона ва ташкилотларда обуна масаласига жиддий эътибор билан қаралди.

«Фарғона Телеком», «Фарғона почтаси», «Фарғона дон маҳсулотлари», «Фарғона пахта ишлаб чиқариш» акциядорлик жамиятларида олиб берилган ишлар таҳсинга сазовор бўлди. Мазкур жамоаларда илгорларни ва фахрийларни имтиёзли, яъни корхона ва ташкилот ҳисобидан обуна қилиш яхши йўлга қуйилди. Шу уринда оддий ҳақиқатни яна бир қарра эсламоқ жоиз.

Узлигини англаган, маънавият ва маърифатга юз тутган одамгина эл-юртнинг корига ярайди.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
Фарғона вилояти



Электромагнит мослашув маркази радиочастоталарни тақсимлаш хизмати етакчи муҳандиси Наталья ВЛАСОВА ўз кибини узок йиллардан буён ардоқлаб келаётир.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ
суратга олган

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти жамоаси Шовот филиали директори Илҳом ОТАБОВНИ 60 ёши билан чин қалбдан табриқлайди. Унга узок умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида зафарлар тилайди!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июлдаги «Частота спектридан фойдаланиш, теледастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 293-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2000 йил, 27 ноябрдаги қарори билан (22-сонли мажлис баёни) «Ист Линк Компани Лтд» қўшма корхонасига маълумотларга ишлов бериш ва узатиш тармоғини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича фаолиятига берилган РТ сериядаги 0000146 рақамли лицензиянинг амал қилиши тўхтатилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Лицензия комиссияси

«Хавар» газетаси жамоаси, газетамизнинг жамоатчилик кенгаши аъзоси Ортиқбой Абдуллаевга онаси **БОСИХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



ДУШАНБА, 8

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Тахлилнома» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.50 Лирик тароналар 9.15 «Узбектеlevision» намоиши «Узлик оламида» 9.25 2.25 ТВ-матео 9.30 «Олам футбол» 10.00 12.00 14.00 18.00 Янгиликлар... «Шарки ва Жорж»... «Узбекистон» телеканали

«Шарк» телеканали

8.55 Курсулвар даври 9.00 «Давр тонги» 10.00 «Янги авлод»... «Шарк» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ 16.00 Курсулвар тартиби... «Халқаро» телеканал

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Узбекистон» телеканали

ларида: 10.00 «Кушим жон қушим»... «Узбекистон» телеканали

«Шарк» телеканали

8.55 Курсулвар даври 9.00 «Давр тонги»... «Шарк» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ 16.00 Курсулвар тартиби... «Халқаро» телеканал

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Узбекистон» телеканали

«Шарк» телеканалида спорт: Интерфутбол 13.20 Қишқик таялти экрани: Самовий саргузаштлар... «Шарк» телеканали

«Шарк» телеканали

8.55 Курсулвар даври 9.00 «Давр тонги»... «Шарк» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ 16.00 Курсулвар тартиби... «Халқаро» телеканал

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Узбекистон» телеканали

«Шарк» телеканалида спорт: Интерфутбол 13.20 Қишқик таялти экрани: Самовий саргузаштлар... «Шарк» телеканали

«Шарк» телеканали

8.55 Курсулвар даври 9.00 «Давр тонги»... «Шарк» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ 16.00 Курсулвар тартиби... «Халқаро» телеканал

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Узбекистон» телеканали

ронлар ва Эколаш 22.40 «Шарк» телеканалда спорт: Ринг қироллари 23.40 Давр тонги 23.45 «Янги авлод»... «Шарк» телеканали

«Шарк» телеканали

8.55 Курсулвар даври 9.00 «Давр тонги»... «Шарк» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ 16.00 Курсулвар тартиби... «Халқаро» телеканал

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Узбекистон» телеканали

маси. 11.05 Кундузги сеанс: «Корбуран» уйини» Бадий фильм 12.00 «Давр тонги» 13.05-14.05 «Немис тили» 18.00 Курсулвар тартиби 18.05 «Бинарша» 18.25 «Узбекистон» телеканали

«Шарк» телеканали

8.55 Курсулвар даври 9.00 «Давр тонги»... «Шарк» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ 16.00 Курсулвар тартиби... «Халқаро» телеканал

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Узбекистон» телеканали

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсулвар тартиби 18.00 «Пойтахт»... «Тошкент» телеканали

МЕҲМОННИНГ УДУҒЛИГИ

Ҳазрат Умарнинг уйларига меҳмонлар келишибди. Уларни ўтказиш кўйиб, узлари тик турган ҳолда хизмат қилверибдилар.

— Узингиз ҳам утиринг, нега тик турибсиз? — дейишибди меҳмонлар.

— Мен қандай қилиб ултирай? — дебдилар Ҳазрат Умар.
— Ахир фаришталар тик туришибди-ку.

АВВАЛ ОДОБ, СЎНГРА ИБОДАТ

Ривоят қиладиларким, бир куни масжидга тупланган намозхонлар ибодатни бошламай, пайгамбаримизни кутиб ултиришган экан. Ниҳоят Сарвари Олам бироз кечикиб келибдилару намоз бошланди. Намоздан кейин кимдир у кишининг кечикиб келганлари сабабини сўрабди. Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламнинг ҳикоя қилишларича, йўлда у кишининг олдидан жуда ҳам қариб, мункиллаб қолган бир яҳудий чол ниҳоятда оҳиста қадам ташлаб келаётган экан.

Пайгамбаримиз уни қувиб утишни узларига эп кўрмай, оёғига қараб юрaverиб, кечикиб қолган эканлар.

— Ахир у гаيري дин, жуҳуд экан, қувиб утиб кетаверсангиз бўлмасмиди? — дебди саҳобийлардан бири.

— Йўқ, — дебдилар Сарвари Олам. — Мен унинг оппоқ соқолини ҳурмат қилдим.

ОДАМ АТОНИНГ ДУШМАНЛАРИ ВА ДЎСТЛАРИ

Ривоят қиладиларким, Одам Ато ҳали ёлғиз пайтларида бу ёруғ дунё билан танишиб юракканлар, хавф-хатарларга ҳам дуч келган эканлар. Хавф-хатарлардан бири у кишининг душманлари — ваҳший ҳайвонлар экан. Улар гоҳ-гоҳида тўда-тўда бўлиб, Ҳазрати Одамга ҳужум қилишар экан. Бундай ҳужум тажовулардан безор бўлган Одам Ато бир куни Худога ёлвориб, бу ёвулардан қутулиш йўлини сўрабдилар. Шунда Худо айтибдики, «Эртага ўша ҳайвонлар сенга ҳужум бошлайдилар. Сен уларнинг қаршида туравергин. Улар орасидан биттаси ажралиб чиқиб олдинга келади. Сен унинг бошини силагин. У сенга дўст бўлиб, ҳимоя қилади».

Эртаси Одам Ато Худо белги-

лаган жойга, урмон томонга бориб турибдилар. Бир маҳал урмондан чиқиб келаётган ҳайвонлар орасидан биттаси югурганча Одам Атонинг олдларига келибди. У киши унинг бошини силабдилар. Шунда у келган томонига югуриб кетиб, ваҳший ҳайвонларни тирқиратиб қувиб юборибди.

Одамга энг биринчи дўст бўлиб қолган ўша жонивор ит экан. Шундан бери ит инсонларга дўст эмиш.

БИР РИВОЯТ, БИР ҲИКОЯТ

Хожа Аҳмад Яссавий бобомиз ҳақида жуда кўп ривоятлар ва ҳаётий ҳикоятлар бор. Мен шулардан бир ривоят ва бир ҳикоятни келтирмақчиман:

Дейдиларким, бобомиз ҳар гал жума намозини Маккайи Мукаррамага бориб ўқиб келар эканлар. Бунга кўпчилик ишонмабди. Шундан кейин у киши бир неча муридларини сафга тизибдилар-да:

— Кўзингизни юминг, — дебдилар.

Улар кўзларини юмибдилар. Бир неча дақиқадан кейин:

— Кўзингизни очинг, — дебдилар.

Муридлар кўзларини очиб қарасалар, Маккада турган эмишлар. Авлиёга икки дунё бир

қадам деганлари шу бўлса керак-да.

Энди мана бу ҳикоятни эшитинглар:

Шоир дўстим Турсун Иброҳим тўнғич ўғли Рустам-жонни уйлантириш умидида не-не қизларни топдию, бироқ иши юришмади.

Угли бирорта қизни ёқтирмади. Бир куни Туркистонга бориб, Яссавий бобомизни зиёрат қилди. У ердаги хонақоҳда икки ракаат намоз ўқиб ёлворди:

— Эй, авлиё бобо, Худодан суранг, ўғлимнинг йули очилсин, — деб дуо қилди.

Кейин Тошкентга қайтиб, уйига кириб бориши билан уни кутиб олган рафиқаси қувонч билан деди:

— Дадаси, келин муборак бўлсин!

Шоир ҳайрон бўлиб турган эди, келинимиз хушхабар айтди:

— Ўғлингизга қиз топдик. Кеча нон синдириб, фотиҳа қилиб келдик.

Шундай қилиб Турсун Иброҳим келинлик бўлди.

Бунақа воқеаларни жуда кўп эшитганмиз. Бунга ҳеч бир шак-шубҳа қилиб бўлмайди. Мусулмон эканмиз, авлиёларнинг кароматларига, муъжизаларига ишонмоқ керакдир.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ҲИКМАТЛАР

Бадавлат кишилардан бири ночор кун ўтказувчи Сукротни айблади. Сукрот унга:

— Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мумкин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан! — деди.

Бойлардан яна бири Сукротга:

— Сен жуда камбағал ва қуруқ кўлсан, — деди таъна билан.

Сукрот эса унга жавобан:

— Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг! — деди.

«Жовидони хирад»дан

Билгинки, қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат.

Байт:

Қаноат айлагин, эй хушёр киши,
Қаноат роҳатдан беради нишон.

Оз овқатга қаноат қилмоқнинг фазилатларидан бири шундаки, илм ва хунарга бўлган интилишда кишини дангасалик ва ҳафсаласизлик қопламайди, ошқозон овқатни ҳазм қилишдан ожиз бўлмайди, сезги аъзоларининг сезувчанлиги бузилмайди.

Мажидиддин ХАВОФИЙ

ЁМОН ХОТИН, НОҚОБИЛ ФАРЗАНД ВА ТОР ОЁҚ КИЙИМ ЖОНИ БИР ХИЛ ЭГОВЛАЙДИ.

Ёрни эрталаб «Яхши боринг!» — деб, кечкурун «Яхши келдингизми?» — деб кутиб оладиган хотин барча эрақларнинг орзусидир.

Фарзандларига ёшлигида меҳрибон ота, йигитлигида дўст, қариганда ҳамсуҳбат бўлган ота бахтлидир.

Фарзандларингизни ёшлигидан меҳнатда тарбияласангиз роҳатини, ортиқча эркалатсангиз азоби кўрасиз.

Во ажаб! 100 ёшли оталар 80 ёшли фарзандларига ҳам панд-насиҳат қилади-я.

Кўз инсон дилининг кўзгусидир, тил айтолмаганини кўз айтади.

Қизлар асли гулдек гузал яралганлар, гул эса безакка муҳтож эмас.

Инсонни бир умр тарк этмайдиган гузаллик — хушмуомалаликдир.

Хато қилиш осон, хатони бўйинга олиш қийин.

Ширин сўз ҳаммага бирдай ёқади, ширин сўз тош юракни ҳам бир куни эритади.

Одамни мақтов, сарёғни қўш бирдай эритади.

Йигитали Ҳожи УСМОНОВ



Тоғларга қор тушди.

ХАНДАЛАР

— Негадир мен кечаси билан шеър ёзаману тонгача ухломмайман.

— Ундай бўлса, уз ёзганларингизни ўқинг, дарров ухлаб қоласиз.

— Қалай, муҳомадан кейин асарингизни чуқурлаштирддингизми?

— Албатта. Бош қаҳрамонни минг метрлик чуқур шахтага тушириб ишлатдим.

— Қалай, пьесам ёқдимми?

— Жуда. Айниқса, ундаги ўғри образи. Шундай ҳаётий чиққанки, ҳатто унинг сўзлари ҳам бошқа асарлардан усталлик билан ўғрилган.

— Таржима қилиш учун қайси тилини билиш керак: таржима қилинажак китобнинг тилини ёки таржима қилмоқчи бўлишнинг тилини?

— Аслида иккаласини ҳам билиш шарт эмас. Нашриётнинг тилини билиш керак.

— Баъзи бир мунаққидлар билан дўстлашиш учун қандай асар ёзиш керак?

— Асарми? Э, ҳожати йўқ. Уларнинг мақоласини мақташ керак.

— Бу куйонак эмас, дурбин, нега уни тутиб китоб ўқияпсиз?

— Билияман, дурбин. Шуниси яхшида, китобнинг ютуғини ҳам, камчилигини ҳам хоҳлаганча кичрайтириб, хоҳлаганча катталаштириб қуришим мумкин.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Тахририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар маъмулият муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-2039.
4839 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида
босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1
босма табоқ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6